

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.B.05.03 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АТОЕВА ГУЛҲАЁ РАҲМОНОВНА**

**МАИШИЙ ЧИҚИНДИХОНА АТРОФИДА ТАРҚАЛГАН  
ТУПРОҚЛАРНИНГ ИФЛОСЛАНИШ ҲОЛАТИ ВА УНУМДОРЛИК  
КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ  
ОҲАНГАРОН ТУМАНИДАГИ ЧИҚИНДИХОНА МИСОЛИДА)**

**03.00.13 – Тупроқшунослик**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
biological sciences**

**Атоева Гулҳаё Рахмоновна**

Маиший чиқиндиҳона атрофида тарқалган тупроқларнинг ифлосланиш  
холати ва унумдорлик кўрсаткичларининг ўзгариши (Тошкент вилояти  
Оҳангарон туманидаги чиқиндиҳона мисолида).....3

**Атоева Гулҳаё Рахмоновна**

Состояние загрязнение и изменение показателей плодородия почв  
распространенных вокруг полигона бытовых отходов (на примере свалки в  
Ахангаранском районе Ташкентской области).....21

**Atoeva Gulkhayo Rakhmonovna**

Contamination and changes in the fertility indicators of soils around the polygon  
of household waste (on the example of a landfill in the Akhangaran district of the  
Tashkent region).....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....43

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.B.05.03 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АТОЕВА ГУЛҲАЁ РАҲМОНОВНА**

**МАИШИЙ ЧИҚИНДИХОНА АТРОФИДА ТАРҚАЛГАН  
ТУПРОҚЛАРНИНГ ИФЛОСЛАНИШ ҲОЛАТИ ВА УНУМДОРЛИК  
КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ  
ОҲАНГАРОН ТУМАНИДАГИ ЧИҚИНДИХОНА МИСОЛИДА)**

**03.00.13 – Тупроқшунослик**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона –2022**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг B2021.2.PhD/B622 ракам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Фаргона давлат университети хузуридаги илмий даражада берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fardu.uz](http://www.fardu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталаида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Жаббаров Зафаржон Абдукаримович**  
Биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Парпиев Фоғуржон Тоҳирович**  
биология фанлари доктори, катта илмий ходим

**Шадиева Нилуфар Искандаровна**  
биология фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация химояси Фаргона давлат университети хузуридаги илмий даражада берувчи PhD.03/30.12.2019.B.05.03 раками Илмий кенгашнинг 2022 йил «03 » 08 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 150100, Фаргона шаҳар Мураббийлар кўчаси, 19-йй. Тел.: (+99873) 244-44-02; факс: (+99873) 244-44-93; E-mail: [fardu\\_info@umail.uz](mailto:fardu_info@umail.uz)).

Диссертация билан Фаргона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (174-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фаргона шаҳар, Мураббийлар кўчаси 19-йй. Тел.: (+99873) 244-44-94).

Диссертация автореферати 2022 йил «20 » 07 куни тарқатилди.  
(2022 йил «20 » 07 даги № 4 -ракамли реестр баённомаси).



**Ғ.Юлдашев**  
Илмий даражада берувчи илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д., профессор

**У.Б.Мирзаев**  
Илмий даражада берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., доцент

**М.Т.Исағалиев**  
Илмий даражада берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., доцент

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.** Бугунги кунда ер юзи ахолиси сонининг ортиши, истеъмол маҳсулотларига бўлган талабнинг кўпайиши сайёрамизда чиқинди маҳсулотларини ортиб кетишига сабаб бўлмоқда, бу эса ўз навбатида уларни тўплаш, сақлаш худудлари, яъни майший чиқиндихоналарнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини қўпайишига олиб келмоқда. Чиқиндиларни очик усулда сақлаш, саралаш, йўқ қилиш (ёкиб юбориш) чиқиндихоналар атрофида тарқалган тупроқларнинг ифлосланишига ва бу орқали тупроқларнинг турли хоссаларини ўзгаришига сабаб бўлмоқда. 2017-2018 йилларда қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилди, жумладан, 13 та санитария жиҳатидан тозалаш давлат унитар корхоналари ҳамда уларнинг туман ва шаҳарлардаги 172 та филиаллари, шунингдек, 9 та майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерлари ташкил этилди<sup>1</sup>. Шу сабабли чиқиндихоналар атрофида тарқалган тупроқларга майший чиқиндиларнинг таъсирини баҳолаш, ифлосланиш натижасида тупроқларнинг турли хоссаларининг ўзгаришини тадқиқ қилиш ва уларни муҳофаза қилишга янада кенгроқ ёндашиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда тупроқ унумдорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ифлосланишларни олдини олиш ва манбаларини аниқлаш, натижада келиб чиқадиган оқибатларни бартараф этиш, тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш ва ошириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада тупроқларнинг биологик, физик ва кимёвий хоссаларини аниқлаш, тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамида суғориладиган тупроқларнинг майший чиқиндилар билан ифлосланишини олдини олиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда ва бу борада кўплаб натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш, ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш»<sup>2</sup> ҳамда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик ҳолатни яхшилаш, майший чиқиндиларни йиғиши 100% га, уларни қайта ишлаш даражасини 2026 йилга қадар 21% дан 50% га етказиш»<sup>3</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам майший чиқиндихона атрофида тарқалган тупроқларнинг ифлосланиш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги ПҚ-4291-сон «2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиклаш тўғриси»ги Қарори

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ҳолати ва ифлосланишнинг тупроқ хоссаларига таъсирини баҳолаш, унумдорлик кўрсаткичларининг ўзгариш механизмини очиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги ПҚ-4291-сон «2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори, 2020 йил 15 декабрдаги ПҚ-4925-сон «Тошкент шаҳрида майший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга оширишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 787-сон «Майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ифлосланган тупроқларнинг кимёвий, физик-кимёвий, биологик хоссалари, уларнинг унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш бўйича хорижлик олимлардан Khaleel R., Reddy K.R., Anikwe M.A.N., Nwobodo K.C.A., Overcash M.R., Иванова Ю.С., Майер М.В., Багрянцева Е.П., Байбардина Т.Н., Бурцева О.А., Теплоухов А.С., Бардина Т.В., Чугунова М.В., Бардина В.И., Юрьев Ю.Ю., Казакова Н.А., Ульянова И.Н., Сидоренко О.Д., Куксов С.В., Осипова Л.А., Щербакова Е.Н., Каргин С.А., Елчиева Л.М., Чемодин Ю.А., Водяницкий Ю.Н., Ладонин Д.В., Савичев А.Т., Лобачева Г.К., Колодницковая Н.В., республика олимларидан Рискиева Х.Т., Турсунов Х.Х., Абдрахманов Т., Ахмедов Ш., Жаббаров З.А., Шукuroв Н.Э, Каримов Х.Н. ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Лекин тупроқларни майший чиқиндилар билан ифлосланишини, ифлосланган тупроқларнинг унумдорлик кўрсаткичларининг ўзгаришини ўрганиш бўйича тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган ва майший чиқиндихона учун муҳофаза, ифлосланиш, фон худудлари белгиланмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети Тупроқшунослик кафедрасининг «Ўзбекистон тупроклари генезиси, географияси, эволюцияси, агромелиоратив хоссалари, унумдорлиги, уни тиклаш, сақлаш, ошириш йўллари ва муҳофазаси» бош илмий мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Тошкент вилояти Оҳангарон туманида жойлашган майший чиқиндиҳона атрофида тарқалган сугориладиган типик бўз тупроқларнинг ифлосланиш ҳолати ва ифлосланишнинг тупроқ хоссаларига таъсирини аниқлаш, унумдорлик кўрсаткичлари ўзгаришини очиб бериш ҳамда муҳофаза, ифлосланиш, фон ҳудудларини белгилаб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

майший чиқиндиҳона атрофида тарқалган тупроқларнинг ифлосланиш ҳолатини қатламлар бўйича аниқлаш ва муҳофаза, ифлосланиш ҳамда фон ҳудудини белгилаш;

майший чиқиндиҳона атрофида тарқалган тупроқларнинг ифлосланишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

тупроқларнинг кимёвий, физикавий, агрокимёвий, биологик хоссаларини ифлосланиш таъсирида ўзгариш механизмини очиб бериш;

тупроқ органик таркиби ва углерод микдорига майший чиқиндилар ва уларнинг кулини таъсирини аниқлаш;

тупроқларнинг унумдорлик кўрсаткичларини ўзгаришини илмий асослаш ва мос коэффициентларни ишлаб чиқиш;

тадқиқот натижалари асосида майший чиқиндиҳоналар атрофида тарқалган тупроқлардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида Тошкент вилояти Оҳангарон туманида жойлашган майший чиқиндиҳона атрофида тарқалган сугориладиган типик бўз тупроқлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** тупроқларнинг кимёвий, физик-кимёвий, биологик хоссалари, майший чиқиндилар билан ифлосланиши, муҳофаза, фон ҳудудлари, органик модда ва углерод микдори, унумдорлик кўрсаткичлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Олиб борилган дала ва лаборатория тадқиқотлари умумқабул қилинган стандартлар бўйича амалга оширилган бўлиб, тадқиқотларда тупроқларни генетик қатламга қараб олиш, географик таққослаш, биологик, кимёвий ва агрокимёвий усуллардан фойдаланилган. Тупроқларнинг кимёвий, физик-кимёвий, агрокимёвий ва агрофизиковий таҳлиллари «Руководство по химическому анализу почв», «Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии» умумқабул қилинган услубий қўлланмалар бўйича ўтказилган. Олинган натижалар Б.А.Доспехов усули бўйича «Statgraphics Centurion XVII» дастурида математик-статистик қайта ишланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

сугориладиган типик бўз тупроқлар минтақасида ilk бор майший чиқиндиҳона таъсирида кимёвий ифлосланишни ҳудудлар (муҳофаза, ифлосланиш, фон) ҳамда тупроқ қатламлари бўйича фарқлари илмий асосланган;

тупроқларнинг кимёвий ифлосланишида шамол ва инсон омилининг таъсир этиш механизми аникланган;

суғориладиган типик бўз тупроқларнинг кимёвий, физиковий, агрокимёвий ва биологик хоссаларига майший чиқиндиҳона таъсирида пайдо бўладиган кимёвий ифлословчи моддаларнинг таъсир этиши аниқланган;

илк бор тадқиқот худуди тупроқларининг органик таркиби аниқланган ва углерод миқдорининг ўзгариши, техноген углероднинг пайдо бўлиши, унинг тупроқ унумдорлигига таъсири исботланган;

тупроқларнинг ифлосланиши натижасида унумдорлик кўрсаткичларининг ўзгаришини белгиловчи мос коэффициентлар аниқланган ва илмий асосланган;

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

майший чиқиндиҳона атрофида тарқалган суғориладиган тупроқлар учун масофалар бўйича муҳофаза, ифлосланиш, фон худудлари белгиланиб, бунга кўра муҳофаза худуди учун 0,75-1,0 км, I худуд учун 1,0-2,0 км, II худуд учун 2,0-4,0 км, III худуд учун 4,0-6,0 км, IV худуд учун 6,0-9,0 км, фон худуди учун 9,0-10 км масофалари ажратиш имкони яратилган.

майший чиқиндиҳона атрофида тарқалган суғориладиган типик бўз тупроқларнинг унумдорлик кўрсаткичлари аниқланган, ифлосланиш натижасида уларнинг ортиши ва камайиши бўйича мос катталиклар: намлик +0,68; рН муҳити +0,8; гумус +3,95; органик модданинг гумификация даражаси, +1,5; умумий углерод +2,38; ялпи азот -1,37; ҳаракатчан фосфор +0,41; ҳаракатчан калий +0,74; агрегатлар (0,25 мм ва 0,5 мм) +1,75; ҳажм массаси +1,03; умумий микроорганизмлар миқдори -1,78; тупроқ ферментлари фаоллиги -2,10; ўсимлик уруғларининг унувчанлик даражаси +0,07; микроэлементларнинг ҳаракатчан шакли -0,62 ишлаб чиқилган.

майший чиқиндиҳона атрофида тарқалган суғориладиган типик бўз тупроқлардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари учун камерал, дала-кузатув ва замонавий лаборатория усулларидан фойдаланиб, ишлар умумқабул қилинган стандарт услубий қўлланмалардан фойдаланган ҳолда олиб борилганлиги, натижаларнинг назарий ва амалий жиҳатдан бир-бирига мос келиши, натижаларнинг математик-статистик таҳлил қилинганлиги ва хулоса ва тавсияларнинг илмий жиҳатдан асосланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва республика илмий журналларида даврий нашрларда чоп этилганлиги, натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти майший чиқиндиҳона атрофидаги тупроқларнинг ифлосланишида иқлим ва антропоген омилларнинг таъсир этиши асослаб берилганлиги, майший чиқиндиҳона фаолиятининг йиллар давомида тупроқнинг кимёвий, физиковий, агрокимёвий, биологик хоссаларига таъсир этганлиги, майший чиқиндиҳона таъсирида тупроқ органик таркиби ва углерод миқдорининг ўзгариши ҳамда унинг тупроқ унумдорлиги учун аҳамиятини очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, сугориладиган типик бўз тупроқларнинг унумдорлик кўрсаткичлари учун мос коэффициентлар ишлаб чиқилган ва ифлосланган тупроқлардан қишлоқ хўжалигига фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар берилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги майший чиқиндиҳона атрофида тарқалган сугориладиган типик бўз тупроқларнинг ифлосланиши ва тупроқ унумдорлик кўрсаткичларининг ўзгариши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

майший чиқиндиҳона атрофида тарқалган сугориладиган типик бўз тупроқларнинг ҳажм оғирлиги, структуралиги, ғоваклиги, микроорганизмлар миқдори, ферментлар фаоллиги, органик ва антропоген углерод миқдорини ўзгариши бўйича маълумотлар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётига жорий қилинган (Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2021 йил 16 декабрдаги 02/022-5082-сон маълумотномаси). Натижалар тупроқ унумдорлигини баҳолаш имконини берган;

майший чиқиндиҳона атрофидаги тупроқлар учун муҳофаза, ифлосланиш ва фон ҳудудлари чегараси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётига жорий қилинган (Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2021 йил 16 декабрдаги 02/022-5082-сон маълумотномаси). Натижалар тупроқларнинг ифлосланиш ҳолати, тупроқ унумдорлигининг мос кўрсаткичлари ва коэффициентларини аниқлаш имконини берган;

майший чиқиндиҳона атрофидаги тупроқлар унумдорлик кўрсаткичлари ва коэффициентлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётига жорий қилинган (Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2021 йил 16 декабрдаги 02/022-5082-сон маълумотномаси). Натижалар майший чиқиндиҳона атрофидаги тупроқларда қишлоқ хўжалик экинлари уруғларининг унучанлигини 7 фоизга ортишига имкон берган ва улардан қишлоқ хўжалигига самарали фойдаланиш учун асос бўлиб хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 10 та, жумладан 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, жумладан, 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмida ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, обьекти, предмети ва усуллари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси

тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этиш, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тупроқ хоссаларига майший чиқиндишларнинг таъсири ва унумдорлик кўрсаткичларининг ўзгариши**» деб номланган биринчи бобида майший чиқинди турлари ва уларнинг таркиби, тупроқ хоссаларига майший чиқиндишларнинг таъсири, майший чиқиндишлар билан ифлосланган тупроқларни тозалаш ва унумдорлигини қайта тиклаш технологияларига оид олимлар томондан олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил этилган. Шунингдек, тадқиқот мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб майший чиқинди маҳсулотлари билан ифлосланган суғориладиган типик бўз тупроқларнинг ифлосланиш ҳолати, чиқинди маҳсулотларининг тупроққа таъсири бўйича хорижий ва республика олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотларининг таҳлилига бағишланган адабиётлар шарҳи келтирилган. Адабиётлар таҳлилиниң якунода ўрганилган худуд тупроқларининг ҳозирги ҳолати, асосий хосса хусусиятларини яхшилаш, тупроқ унумдорлик кўрсаткичларини ошириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда уни мақбуллаштиришга оид изланишлар олиб борилиши зарурлиги тўғрисида хуносалар қилинди.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказилган жойнинг табиий шароитлари, тадқиқот услублари**» деб номланган иккинчи бобида Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Тошкент шаҳар майший чиқиндиҳонаси атрофида тарқалган суғориладиган типик бўз тупроқлари шаклланишининг табиий (географик, гидрогеологик, иқлим шароитлари, ўсимлик қоплами ривожланиш) ва тадқиқот обьекти, тупроқ қоплами, тажриба услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Белгиланган вазифалар солиштирмагеографик, солиштирма аналитик ва стационар тадқиқ қилиш усувларидан фойдаланиш асосида ўз ечимини топган. Тадқиқот ишларини амалга оширишда Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон Миллий университети, ЎзФА Микробиология институти, «Гидрогеология» ДУК, Гидрометеорология хизматлари маркази, Тошкент шаҳар «Махсустранс» фонд материаллари, илмий адабиётлар маълумотларидан фойдаланилган ва умумлаштирилган. Майший чиқиндиҳона атрофида тарқалган суғориладиган типик бўз тупроқлар учун хос бўлган жиҳатлар тавсифланган ва олинган натижаларни математик-статистик қайта ишлаш усувлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чиқиндиҳона атрофидаги тупроқларнинг ифлосланиш ҳолати**» деб номланган учинчи бобида тадқиқот ҳудуди тупроқларининг чиқинди маҳсулотлари билан ифлосланиш манбалари ва уларни юзага келтирувчи омиллар, тупроқларнинг оғир металлар билан

ифлосланиши, ифлосланган тупроқлар таркибидан учрайдиган органик учувчан бирикмалар миқдорлари ёритиб берилди.

Ифлословчи манбанинг жойлашган ўрни тупроқларнинг ифлосланишида ниҳоятлда муҳим бўлиб, ифлосланиш чегаралари майший чиқиндиҳона учун ишлаб чиқилган ҳудуд чегараларига мос келади (1-жадвал).

Ушбу тавсия X.А.Джувеликян (2009) томонидан кимёвий саноат корхоналари учун ишлаб чиқилган, олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра ушбу тавсия майший чиқиндиҳона учун тўғри келмаслиги илмий жиҳатдан асосланди. Тадқиқот олиб борилган ҳудуд учун муҳофаза ҳудуди 0,75–1,0 км қилиб белгиланди. Тадқиқотлар олиб борилган майший чиқиндиҳона атрофи тупроқларида I ҳудуд 1,0–2,0 км масофага ўзгарган, бу чиқиндиҳонанинг атрофидаги тупроқларига таъсирини белгилайди.

1-жадвал.

### **Ифлосланиш манбалари бўйича тупроқларнинг ҳудудий ифлосланиш чегаралари (Тошкент шаҳар майший чиқиндиҳонаси учун)**

Ҳудудлар	Ифлосланиш манбасига кўра масофа, км
Ифлословчи манбанинг муҳофаза ҳудуди	0,75–1,0
I ҳудуд	1,0–2,0
II ҳудуд	2,0–4,0
III ҳудуд	4,0–6,0
IV ҳудуд	6,0–9,0
Фон	9,0–10

II ва III ҳудудлар ифлосланиш ҳудудлари деб юритилиб, бунда энг юқори кўрсаткич 2,0–4,0 км масофагача кенгайган, III ва IV-ҳудудлар 4,0–9,0 км бўлиб чиқиндиҳонага ёндош ҳудуд бўлмаганлиги сабабли ифлосланиш камайган, фон ҳудуди эса 10 км деб белгиланди.

Бундан кўриниб турибдики, I-ҳудуд тупроқлари юқори даражада ифлосланган бўлиб, II ва III ҳудудларда ифлосланиш масштаби камроқ ҳудудни эгаллаган, IV ҳудудда эса энг кам ифлосланиш учрайди ва фон ҳудудларида тупроқларнинг ифлосланиши учрамайди. Ифлосланиш даражасининг I-ҳудуд ва қисман II-ҳудудда юқори бўлиши майший чиқиндиҳонага айнан шу ҳудудлар туташ ҳудуд бўлганлиги билан изоҳланади.


Барча биологик жараёнларнинг асосий қисми айнан шу ҳудудларда рўй беради, I ва II-ҳудуд ҳудудлардаги экологик ҳолат, III–IV ҳудудлардан фарқ қилишини чиқиндилар олиб келингандан кейин уларни ёқиб юборилиши натижасида катта миқдорда кул уюмларининг ҳосил бўлиши, шамол таъсирида кул элементлари учирилиб, соғлом тупроқларни ҳам ифлослаши, чиқиндиҳона атрофи экин ерларидан тўсиклар билан ажратилмаганлиги, чиқиндиҳона қуриш йўриқномасига амал қилинмаганлиги туфайли чиқинди маҳсулотларининг узоқ майдонларга учирив кетилиши, бундан ташқари

чиқиндилар ёқиб юборилиш натижасида ҳосил бўладиган тутун шамол таъсирида узок масофаларга тарқалиши билан изоҳланади.


Чиқиндилар кули (1-кесма) таркибида метал ва металлоидлардан Zn (1610 г/т), Pb (26,7 г/т), Cu (306 г/т), Cr (91,0 г/т) Se (9,08 г/т), шунингдек, металлар ва металлоидлар билан турли хил бирикмалар (сульфидлар, сульфатлар) ҳосил қилувчи олtingугуртнинг (S-12600 г/т) юқори миқдорлари қайд этилган. Чиқиндихонадаги майший чиқиндилар кулида қатор оғир металлар ва металлоидларнинг бундай юқори миқдорлари ўз навбатади чиқиндихона атрофидаги тупроқларнинг ифлосланишига олиб келади.

As (8,78 г/т) ва V нинг (45,3 г/т) миқдорлари чиқиндихонадан узоқлашган сари деярли ўзгармаган, қўрғошин, хром, мис, қалайнинг миқдорларида чиқиндихонадан узоқлашган сари камайиш тенденциялари кузатилди (1-расм). Чиқиндихона кулида рухнинг миқдори 1610 г/т га teng бўлса, чиқиндихонадан 10 км узоқликда олинган кесмада 67,3 г/т гача камайган, чиқиндихонага яқин худудлардан (0-600 м) олинган тупроқ кесмаларида хромнинг миқдори 51,3-91 г/т ни ташкил қилган бўлса, ундан узоқлашган сари (1200-10000 м) хромнинг миқдори 43 г/т гача кам эканлиги қайд этилди.

Элементларнинг тупроқ қопламиниң вертикал кесимида тарқалиш хусусиятини ўрганиш жараёнида, кобальт, хром, темир, марганец, молибден, қўрғошин, ванадий, иттирий ва рух миқдорларининг тупроқнинг юқори қатламларида (0-70 см), қуйи кесмаларга (70-200 см) нисабатан юқорилиги қайд этилди (2-расм).



**1-расм. Чиқиндихонадан узоқлашган сари тупроқларда элементларнинг ўзгариши**




**2-расм. Оғир металларнинг тупроқнинг турли қатламларида тарқалиши**


Тупроқнинг унумдорлиги унинг физик-кимёвий хусусиятларига гумус қоплами, таркибида мавжуд бўлган органик ва минерал моддаларга ва айниқса улар таркибидаги турли хил фойдали микроорганизмларга, уларнинг миқдори ва биологик фаоллигига бевосита боғлиқ. Микроорганизмлардан ташқари тупроқнинг органик таркиби ҳам тупроқнинг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Органик моддаларнинг ортиб кетиши, камайиб кетиши ҳам тупроқда ўсувчи ўсимликларга, тупроқда яшовчи микроорганизмлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Тадқиқот худуди тупроқлари органик ифлослантирувчи моддалари ўрганилганда, чиқиндиҳона тупроғи таркибида алкан гурухи углеводородлари, турли эфир моддалари ва кислоталар борлиги аниқланди (3-5-расмлар).


Таҳлиллар натижалари тупроқлар таркибида о-ксилол, оксалин кислота, алканлар, олеамид, пиредин, карбон кислота бошқа бирикмалар борлигини кўрсатди. Чиқиндиҳона тупроқлари таркибида фон тупроқлар таркибида учрамайдиган органик бирикмалар алканлар, эфирлар, турли инсон ҳаётига хавф туғдирадиган органик кислоталар, бензол, амид ва полиамид, бирикмалар миқдори ортган. Ушбу органик бирикмаларнинг туроқ таркибида ортиши тупроқларда кечадиган биологик, кимёвий, физик ва агрокимёвий жараёнларнинг кечишига ва тупроқлар унумдорлигига таъсири кўрсатади.



**3-расм. Майший чиқиндиҳона фаолияти таъсирида ифлосланган тупроқларда учувчан органик моддалар хроматограммаси**



**4-расм. Фон ҳудудси тупроқларида учувчан органик моддалари хроматограммаси**



**5-расм. Майший чиқинди билан ифлосланган тупроқлар таркибидаги учувчан органик бирикмалар миқдори**

Диссертациянинг «Майший чиқиндиҳона билан ифлосланган тупроқларнинг унумдорлик кўрсаткичларини ўзгариши» деб номланган тўртинчи бобида тупроқда чиқинди маҳсулотларининг ўзгариши ва физик хоссаларига таъсири, майший чиқинди маҳсулотлари билан ифлосланиш


таъсирида тупроқнинг агрокимёвий ва кимёвий, биологик ва ферментатив фаоллигининг ўзгариши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Тупроқдаги агрегатларнинг йириклишуви тупроқ унумдорлигига салбий таъсир кўрсатган, тупроқ агрегатларининг майдалашуви тупроқнинг намлик сақлаб туриш қобилиятини яхшилайди.


Маиший чиқиндиҳона тупроғида намлик миқдори таҳлил қилинганда, чиқиндиларни ёқилиши натижасида ҳосил бўладиган кул массаси ҳисобига чиқиндиҳона ва унга яқин ҳудудларда тупроқ намлиги миқдори юқори, чиқиндиҳонадан узоқлашган сари камайган, 1-кесмада тупроқ намлиги 75,91%, 2-кесмада 55,94%, 4-кесмада 51,97%, 5-кесмада 49,98% ва 10-кесмада эса 47,97% ни ташкил қилган. Бундан кўриниб турибдики, чиқинди кули тупроқларда намликнинг узокроқ сақланиб туришига таъсир қилган (6-расм).

Чиқиндиҳона атрофида тарқалган тупроқларда чиқиндилар таъсирида гумус ва углерод миқдори ўзгаришга учраган.

Суфориладиган типик бўз тупроқлар органик моддалар билан яхши таъминланган бўлиб, маиший чиқинди кули органик углерод ва тупроқ таркибидаги гумус мувозанатини бузади. Тупроқка маиший чиқинди кули аралашгандан сўнг таркибидаги органик углерод ва гумус миқдорини аниқлаш қийинлашади. Тадқиқотларда ифлосланган тупроқлардаги гумус ва органик углерод миқдорини таҳлил этиш учун фон ҳудуди тупроқларининг назорат варианти сифатида қўлланди (7-расм).



6-расм. Маиший чиқиндиҳона тупроқларида намлик миқдори, %




7-расм. Маиший чиқиндилар билан ифлосланган суфориладиган типик бўз тупроқларида органик углерод ва гумус миқдорининг ўзгариши, %

Натижаларга кўра 1-кесмада гумус миқдори 5,6%, углерод 3,24% ни ташкил қилди, ушбу худудда фон худудида гумус миқдори ўртача 1,49% ва  $C_{\text{орг}}$  миқдори эса 0,86% бўлиб, фонга нисбатан гумус ва умумий углерод миқдори ортган. Гумус миқдорларининг кескин ортиши чиқиндиларнинг йиллар давомида ёқилиши натижасида тўпланган техноген масса ҳисобига тўғри келади. Тупроқдаги гумус биологик йўл билан микроорганизмлар иштирокида, гумификация жараёни асосида ҳосил бўлмай, майший чиқинди кулининг таъсири натижасида пайдо бўлган. Ушбу гумусни «техноген гумус» деб номлаш мумкин.

«Техноген гумус» миқдорини ҳисоблашда тупроқларни ифлословчи моддаларни ҳисобга олиш лозим, яъни ифлословчи модда нимадан иборат ва таркибиغا нималар кириши муҳим.

$C_{\text{орг}}$  миқдори 1-кесмада 3,24% ни ташкил қилса,  $C_{\text{ант}}$  миқдори эса 4,11% ни ташкил қилган. Чиқинди кули углероднинг иккала турига деярли бир хил таъсир кўрсатган (8-расм).



**8-расм. Майший чиқиндилар билан ифлосланган тупроқларда  $C_{\text{орг}}$  ва  $C_{\text{ант}}$  миқдори, %**

Фон худуди тупроқларида  $C_{\text{орг}}$  ва  $C_{\text{ант}}$  миқдори бир биридан анча фарқ қилиб,  $C_{\text{орг}} 0,86\%$ ,  $C_{\text{ант}} 0\%$  ни ташкил қилган. Ўзгарувчан калий миқдори ҳам шу каби натижаларни кўрсатди, бунга кўра чиқиндихона ичидаги техноген масса таркибида 332,5 мг/кг ни ташкил қилди.

Калий миқдорининг ортиб, кейин эса кескин тушиб кетиши ҳам фосфор сингари, чиқиндиларнинг тупроққа тушиб, турли ўзгаришларга учраши, ёниш натижасида ҳосил бўлган кимёвий элементларнинг тупроққа тушиши натижасида вужудга келган.

Натижаларга кўра, алмашинувчан калий миқдорининг ўзгаришида ҳеч қандай қонуният ёки тенденция йўқ, балки тупроққа тушадиган майший чиқинди, чиқиндининг ёниши натижасида пайдо бўладиган кул элементлари ва техноген массасининг миқдорига боғлиқ ҳисобланади, шунинг учун унинг миқдори турли нуқталарда турлича ўзгарган (9-расм).

Тупроқдаги микроблар сони ва тури доимо бир хилда бўлмасдан, улар тупроқнинг кимёвий таркиби, намлиги, ҳарорати, pH шароити ва бошқа ҳолатларига боғлиқ бўлади. Намлиги ва озиқа моддалари кам бўлган тупроқларда 1-105 граммгача, ишлов бериладиган тупроқларида эса 108-109 граммгача бактериялар бўлади. Бактерияларнинг энг кўп қисми тупроқда 5-

15 см чуқурлигига бўлиб, пастки қатламларда кам бўлади. Тупроқда уларнинг тўпланиши азотнинг бойитилишига сезиларли ҳисса қўшади. Шу нуқтаи назардан, ушбу микроорганизмлар гурухини ҳар томонлама ўрганиш тупроқ унумдорлигини ошириш учун муҳим аҳамиятга эга.



**9-расм. Маиший чиқиндилар билан ифлосланган сугориладиган типик бўз тупроқларда алмашинувчан калий ( $K_2O$ ) микдорининг ўзгариши, мг/кг**

Нитрификатор I фаза микдори маиший чиқиндиларнинг узок йиллар давомида йигилиши ва чиқиндихонада бижғиши жараёнларнинг тузлашиши натижасида микдори ортганлиги аниқланди. Ифлосланган ҳудудди эса микроорганизмлар фаолияти сусайиб, ифлосланиш масштаби камайиши билан микроорганизмлар фаолияти яхшиланиб борган (10-расм). 1 ва 3-кесмада Нитрификатор I фаза фаолиятининг ортиши чиқиндиларнинг тупроқларга таъсирини белгилайди.


Целлюлоза парчалайдиган аэроблар сони эса муҳофаза ва ифлосланиш ҳудудида тарқалган тупроқлар таркибида сезиларли даражада камайган бўлиб, 0,6 км ва ундан узокда эса меъёр даражасида (12-расм). Аммонификаторлар ва нитрификаторлар II фазаси меъёр даражасида. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, маиший чиқиндилар чиқиндихона атрофида тарқалган тупроқлар таркибидаги микроорганизмларга турлича таъсир кўрсатган (11 ва 13-расмлар).

Ферментларнинг фаоллиги тупроқларнинг турига, озиқа элементлари микдорига, ҳарорат, намлиқ, pH ва бошқаларга боғлиқ. Таҳлилар натижасида, 1-кесмада каталаза ферменти фаоллиги 1,06 мл  $O_2/g$  туп. кўрсаткичга, 2-кесмада 2,04 мл  $O_2/g$  туп. кўрсаткичга, 3-кесмада 2,12 мл  $O_2/g$ .туп, 4-кесмада 2,13 мл  $O_2/g$  туп., 5-кесмада 2,07 мл  $O_2/g$ .туп., 6-кесмада 2,12 мл  $O_2/g$ .туп., 7-кесмада 2,04 мл  $O_2/g$  туп., 8-кесмада 2,14 мл  $O_2/g$  туп., 9-кесмада 2,13 мл  $O_2/g$  тупроқ кўрсаткичини ташкил этди. 10-кесмада ферментлар фаоллиги 1,95 мл  $O_2/g$  туп. кўрсаткичини ташкил қилди (14-расм).


1-кесмада каталаза ферменти фаоллиги 10-кесмага қараганда камайган, бошқа кесмаларнинг барчасида каталаза фаоллиги 10-кесмага қараганда кўпроқ, ферментлар фаоллигининг бундай ўзгариши тупроқда кечадиган турли микроорганизмлар фаолияти билан боғлиқ.

Уреаза ферменти фаоллиги тупроқ таркибидаги озуқа элементлари микдорини белгилайди. Уреаза ферменти фаоллигига эса ифлосланиш


аксинча таъсир кўрсатган, бунга кўра 1-кесмада 3,8 мг NH<sub>3</sub>/г тупроқ, 10-кесмада 3,4 мг NH<sub>3</sub>/г тупроқ кўрсаткичини ташкил қилган, яъни фон тупроқларига нисбатан чиқиндиҳонада уреаза фаоллиги юқори, уреаза ферменти фаоллигининг бундай ўзгариши ифлосланган тупроқлар таркибидаги фосфор ва калий микдорининг ортиши билан изоҳланади.



**10-11-расмлар. Маиший чиқиндиҳона атрофи тупроқлар микроорганизмлар фаолияти (нитрификаторI- II-фаза (КХБ минг дона/г))**



**12-13-расмлар. Маиший чиқиндиҳона атрофи тупроқлар микроорганизмлар фаолияти (целлюлоза парчаловчи аэроблар, аммонификаторлар (КХБ минг дона/г))**



**14-расм. Маиший чиқиндиҳона атрофида тарқалган тупроқлар каталаза ферменти фаоллигининг ўзгариши, мл О₂/г. тупроқ**

Уреаза ферменти фаоллиги тупроқ таркибидаги озиқа элементлари микдорини белгилайди, маиший чиқиндилар билан ифлосланган тупроқларда уреаза ферменти фаоллиги чиқиндиҳонада юқори, чиқиндиҳонадан узоқлашган сари фаоллиги камайган. Бу чиқиндиҳона тупроқларига кул моддаларнинг аралашиб кетиши ва тупроқлар таркибида фосфор ва калий моддаларининг микдори юқорилиги билан изоҳланади. Тадқиқот ҳудуди

тупроқларида каталаза ферменти фаоллиги 1,06-2,14 мл О<sub>2</sub>/г түп. күрсаткичигача ўзгарган. Инвертаза ферменти фаоллиги 4,6-23,8 мг глюкоза/г түп. күрсаткичигача ўзгарган. Тупроқлар таркибидаги каталаза, инвертаза ферментлари фаоллигининг паст бўлиши ифлосланган тупроқларда микроорганизмлар фаолияти билан боғлиқ. Тупроқ микроорганизмлари фаолияти унумдорликнинг муҳим күрсаткичларидан бири ҳисобланади. Тупроқ ферментлари фаоллигининг белгиланган меъёрдан кам бўлиши тупроқларнинг ифлосланганлигини билдиради.

Тупроқда кечадиган биологик, кимёвий ва физик-кимёвий жараёнлар унинг унумдорлик күрсаткичи билан чамбарчас боғлиқ. Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва тиклаш бугунги кунда энг муҳим масалалардан ҳисобланиб, тупроқ унумдорлиги қишлоқ хўжалигида экин майдонларидан нотўғри фойдаланиш натижасида пасаяди.

Олиб борган тадқиқотларда ифлосланган тупроқларнинг ГОСТ 17.4.2.02-83-Давлатлараро стандарт асосида унумдорлик күрсаткичларининг ўзгариши тадқиқ қилинди. Бунга мувофиқ унумдорлик күрсаткичлари майший чиқиндилар таъсирида турли даражада ўзгариши аниқанди. Жумладан, тупроқдаги фосфор ва калий, антропоген углерод микдори чиқинди кули таъсирида ортган бўлсада, ўсимликлар учун аҳамиятга эга эмас. Тадқиқотлар давомида унумдорлик күрсаткичларининг ўзгариши устида тадқиқотлар олиб борилган тупроқларнинг унумдорлик күрсаткичлари 2-жадвалда берилган.

2-жадвал.

### **Майший чиқиндилар таъсирида ифлосланган тупроқларда унумдорлик күрсаткичларини ўзгариш коэффиценти**

№	Күрсаткичлар	Тадқиқот худуди суғориладиган типик бўз тупроқлар учун
1	Намлиги	+0,68
2	pH муҳити	+0,8
3	Гумус	+3,95
4	Органик модданинг гумификация даражаси, С <sub>гк</sub> /С <sub>умум</sub> ·×100%	+1,5
5	Умумий углерод	+2,38
6	Ялпи азот	-1,37
7	Ҳаракатчан фосфор	+0,41
8	Ўзгарувчан калий	+0,74
9	Агрегатлар (0,25 мм ва 0,5 мм)	+1,75
10	Ҳажм массаси	+1,03
11	Умумий микроорганизмлар микдори	-1,78
12	Тупроқ ферментлари фаоллиги	-2,10
13	Ўсимлик уруғларининг унувчанлик даражаси	+0,07
14	Микроэлементларнинг ҳаракатчан шакли	-0,62

Тупроқларнинг унумдорлик күрсаткичларининг ўзгариши тупроқларда чиқиндихона кулининг таъсири, бундан ташқари, майший чиқиндиларнинг йиллар давомида таъсир қилиши натижасидир. Тупроқдаги микроорганизмлар микдори, ферментлар фаоллиги, умумий азот, органик

углерод миқдори камайган, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калий миқдори эса чиқинди кули таъсири натижасида ортган. Чиқиндиҳонадан узоқлашган сари чиқинди кули таъсир доираси камайиши билан фосфор ва калийнинг тупроқдаги миқдори ҳам камайган.

Ўсимлик уруғларининг униб чиқиш даражаси чиқинди кули таъсири мавжуд худудларда паст. Тадқиқот обьектидан узоқлашган сари, яъни кул таъсир доираси камайган сари ўсимликлар уруғи унувчанилиги ортганлиги аниқланди. Бу муҳофаза худудида йиллар давомида майший чиқиндиҳарнинг ёниши натижасида кул миқдорининг тўпланиши сабаб бўлган, яъни ифлосланиш даражаси энг кўп муҳофаза худудида содир бўлган, шу тарзда давом эттирилса тупроқ унумдорлик кўрсаткичалари кескин камайиши кузатилади.

## ХУЛОСАЛАР

1. Тошкент вилояти Оҳангарон туманида жойлашган майший чиқиндиҳона атрофида тарқалган суғориладиган типик бўз тупроқларнинг кимёвий ифлосланишида майший чиқиндиҳона асосий ифлословчи манба ҳисобланиб, ифлосланиш даражасининг чиқиндиҳонадан 1,2 км узоқликдан бошлаб камайиши, тупроқ қатламлари бўйича эса юқоридан пастга томон 70 см қатламдан бошлаб бир текис камайиб бориши аниқланди.

2. Тадқиқот худудидаги майший чиқиндиҳона учун муҳофаза, ифлосланиш ва фон ҳудудлари белгиланди, бунга кўра муҳофаза ҳудуди учун 0,75-1,0 км, I ҳудуд учун 1,0-2,0 км, II ҳудуд учун 2,0-4,0 км, III ҳудуд учун 4,0-6,0 км, IV ҳудуд учун 6,0-9,0 км, фон ҳудуди учун 9,0-10 км масофада бўлиши илмий жиҳатдан асосланди.

3. Майший чиқиндиҳона фаолияти таъсирида тупроқларда 1-циклогексен, декан, 1-гексанол 5-метил-2(1-метилэтил), оксалат кислотаси, оксалат кислотасининг 2-этилгексин изоэфири, ионол (бутилатцетат гидрокситолуол), 2-этил гексанол, нонил тетрадесил эфири, 5,5-диметил-3-оксо-1-пирролин, 1-9 оксид, ўзгарган 2,3-эпоксидекан, карбонат кислота 1,2-нонилпропил эфири, карбонат кислота тридесил эфири, оксалик кислотанинг 6-этилокт-3-ли этил эфири, 2Н-пиран, 2-тетрагидро 3-этилинокси эфири, Z,Z-6,28-Гептотриактонтадиен-2,1, 3-гептен, 7-хлор 4-циклопентен-1,3-диол, 8-оксабитцикло 5-1-0 октан, 2-бутилтио пиридин каби учувчан органик моддалар миқдори ортганлиги ва тупроқнинг биокимёвий кўрсаткичларининг мувозанати бузилганлиги илмий асосланди.

4. Майший чиқиндиҳона атрофида тарқалган тупроқлар органик ифлословчилар, кул элементлари билан ифлосланиши билан бирга оғир металлар ва бошқа ифлословчи моддалар билан ҳам ифлосланган, жумладан, рухсат этилган чегаравий улушга нисбатан умумий мис миқдори 13,9 марта, мишъяқ 4,39 марта, қўрғошин 1,12 марта, олtingугурт 78,75 марта кўплиги аниқланди. Ушбу ифлословчи моддалар тупроқнинг унумдорлигига салбий таъсири аниқланди.

5. Суғориладиган типик бўз тупроқларни майший чиқиндиҳона фаолияти натижасида ифлосланиши ва зарар кўришига боғлик ҳолда унумдорликда аҳамиятли бўлган ҳаракатчан микроэлементлар, хусусан Си,

Zn, Mn миқдорларини камайиши, яъни муҳофаза, I, II, III, IV ҳудудларида фон тупроқларига нисбатан 1,2-2,3 марта камайганлиги аниқланган.

6. Маиший чиқиндихона таъсирида тупроқнинг ифлосланиши натижасида тупроқ унумдорлигига муҳим ўрин тутувчи микроорганизмлар миқдори ва ферментлар фаоллиги турлича (камайиши ва ортиши) ўзгаришга учраган, жумладан, фосфор ўзлаштирувчи бактериялар, микромицетлар миқдори ва уреаза ферменти фаоллиги ортиши, олигонитрофиллар, актиномицетлар миқдори, каталаза ва инвертаза ферментлари фаоллиги камайиши кузатилди.

7. Маиший чиқиндихона атрофида тарқалган тупроқларнинг ифлосланиши натижасида унумдорлик кўрсаткичларининг турлича ўзгариши (- камайиши ва + ортиши) ва улар учун мос коэффициентлар: намлик +0,68, pH муҳити +0,8, гумус +3,95, органик модданинг гумификация даражаси, +1,5, умумий углерод +2,38, ялпи азот -1,37, ҳаракатчан фосфор +0,41, ҳаракатчан калий +0,74, агрегатлар (0,25 мм ва 0,5 мм) +1,75, ҳажм массаси +1,03, умумий микроорганизмлар миқдори -1,78, тупроқ ферментлари фаоллиги -2,10, ўсимлик уруғларининг унувчанлик даражаси +0,07, микроэлементларнинг ҳаракатчан шакли -0,62 кўрсаткичларида ўзгаришга учраши аниқланди.

8. Маиший чиқиндихонанинг йиллар давомидаги фаолияти натижасида ифлосланиш муҳофаза, I, II, III ҳудудлардаги тупроқларда гумуснинг энг юқори миқдори 5,6 %, углероднинг энг юқори миқдори 3,24 % ни, фон ҳудудида эса бу кўрсаткичлар мос равишда 1,49% ва 0,86% ни ташкил қилади. Тупроқларнинг майший чиқиндилар билан ифлосланиши уларнинг ёниши, чала ёниши, бижғиши жараёнлари натижасида муҳофаза, I, II, III-ҳудудларининг тупроқларидаги углерод ва гумусни «техноген» деб номланиши тавсия қилинади.

9. Маиший чиқиндихона атрофида тарқалган суғориладиган типик бўз тупроқларининг ифлосланиши, микробиологик ва биологик фаоллигини ўзгариши, кимёвий, агрокимёвий, физик хоссаларини ўзгаришини инобатга олиб, ушбу ҳудудларни рекультивация қилиш, муҳофаза, I, II, III-ҳудудларида дехқончилик фаолиятини олиб бормаслик, чорва молларини боқмаслик, IV ҳудудида фақатгина техник экинлар экишда фойдаланиш тавсия этилади.

10. Маиший чиқиндихона атрофида тарқалган тупроқларнинг кимёвий ифлосланиши, муҳофаза, I, II, III, IV ва фон ҳудудларига ажратилиши, унумдорлик кўрсаткичларининг аниқланиши ва қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш бўйича тадқиқот натижалари Олий таълим муассасаларининг Тупроқшунослик, Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналишлари «Тупроқ биологияси ва экологияси», «Тупроқ ва атроф муҳитнинг ифлосланиши», «Тупроқ ва ландшафтлар деградацияси» ҳамда Тупроқшунослик мутахассислиги «Тупроқлар рекультивацияси», «Ер ресурсларини бошқариш ва атроф-муҳит муҳофазаси», «Агроландшафтлар тупроқ унумдорлигини бошқариш» фанларини ўқитиши жараённида фойдаланиш тавсия этилади.

**ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**  
**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ**  
**LIST OF PUBLISHED WORKS**  
**I бўлим (I часть; I part)**

1. Жаббаров З.А, Атоева Г.Р. Тупроқларнинг майший чиқиндилар билан ифлосланиши ва микробиологик ҳолатининг ўзгариши. // ЎзМУ хабарлари. №3/1. – Тошкент. 2020.– С. 36-39. (03.00.00; №9).
2. Жаббаров З.А., Атоева Г.Р. Изменение агрохимических свойств почв, за грязненных бытовыми отходами. // Научное обозрение. Биологические науки. № 4. 2020. – С. 22-26. (03.00.00; №23).
3. Жаббаров З.А, Атоева Г.Р. Майший чиқиндилар билан ифлосланган типик бўз тупроқларда ферментлар фаоллигининг ўзгариши // ЎзМУ хабарлари. №3/1. – Тошкент. 2021. – Б.33-37. (03.00.00; №9).
4. Жаббаров З.А., Атоева Г.Р., Сайитов С.С. Загрязнение почв в тяжелыми металлами вокруг полигона твердых бытовых отходов города Ташкента. // Научное обозрение. Биологические науки. № 2. 2021. – С. 17-23. (03.00.00; №23).
5. Жаббаров З., Атоева Г., Жуманиёзова Д. Сугориладиган типик бўз тупроқларнинг майший чиқиндилар билан ифлосланиши натижасида унумдорлик қўрсаткичларининг ўзгариши. // ЎзМУ хабарлари. №3/1. – Тошкент. 2021. – Б. 67-70. (03.00.00; №9).
6. Атоева Г., Жаббаров З. Тупроқ унумдорлигига майший чиқиндиларнинг таъсири. // ЎзМУ хабарлари. №3/1. – Тошкент 2022. – Б. 20-23. (03.00.00; №9).

**II бўлим (II часть; II part)**

7. Жаббаров З.А., Сукиасян A.P., Атоева Г.Р. Атроф-муҳитнинг майший чиқиндилар билан ифлосланиши ва экологик ҳолатини яхшилаш бўйича тавсиялар. // «Problems and prospects of innovative technology and technologies in the field of environmental protection» Proceedings of the conference. Part-Iю Тошкент 2020. – Р. 218-220.
8. Жаббаров З.А. Атоева Г.Р. Загрязнение почв тяжелыми металлами в процессе воздействия полигона твердых бытовых отходов. // International Stcientific-Prectical Conference «Soil-ecological problems of agrocenoses and ways to solve them» - Baku, Azerbaijan, 2021. – С. 121-124.
9. Жаббаров З.А., Атоева Г.Р. Тупроқдаги микроорганизмларга майший чиқиндиларнинг таъсири. // «Фарғона водийси дехқончилиги истиқболлари, муаммолари ва ечимлари» республика онлайн илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. Фарғона. 2020. – Б. 169-172.
10. Жаббаров З.А., Атоева Г.Р. Тупроқ хоссалари ва экологик ҳолатига майший чиқиндиларнинг таъсири. // «Тупроқ ва атроф муҳит

мухофазаси масалалари» республика онлайн илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. Термиз 2020. 16 октябрь. – Б. 278-280.

11. Жаббаров З.А., Атоева Г.Р. Маиший чиқиндиларнинг тупроқ табиий ҳолатига таъсири. // «Биология, экология, тупроқшунослик йўналишларининг долзарб муаммолари ва илмий ечимлари» республика онлайн илмий-амалий семинар материаллари. Тошкент 2020. – Б. 200-202.

12. Жаббаров З.А, Атоева Г.Р. Суғориладиган тупроқларнинг майший чиқиндилар билан ифлосланиши ва хоссаларининг ўзгариши. // «Қишлоқ хўжалигида экологик муаммолар ва уларнинг ечимлари» республика миқёсидаги хорохий олимлар иштирокида онлайн илмий-амалий анжуман тўплами. Бухоро 2020. – Б. 278-279.

13. Жаббаров З.А, Атоева Г.Р. Маиший чиқиндилар таъсирида ўзгарган тупроқларнинг унумдорлик кўрсаткичларни яхшилаш чора-тадбирлари. // “Тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва уни мухофаза қилишнинг долзарб муаммолари» республика илмий-амалий анжуман материаллари. Қарши-2021. – Б. 5-7.

14. Жаббаров З.А., Атоева Г.Р. Суғориладиган типик бўз тупроқларнинг майший чиқиндилар билан ифлосланишнинг тупроқг микробиологик ҳолатига таъсири. // «Тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлар ҳосилдорлигини оширишнинг замонавий-инновацион технологиялари, муаммо ва ечимлар» республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман тўплами. БухДУ-2021. – Б. 54-55.

15. Атоева Г.Р. Маиший чиқиндилар билан ифлосланган тупроқларнинг физик хоссаларининг ўзгариши. //«Тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлар ҳосилдорлигини оширишнинг замонавий-инновацион технологиялари, муаммо ва ечимлар» республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман тўплами. БухДУ-2021. – Б. 59-61.

16. Атоева Г.Р. Маиший чиқинди маҳсулотлари билан ифлосланган тупроқларнинг органик қисми таркибидаги учувчан бирикмаларни ўзгариши. // «Кимё ва кимё технология йўналишидаги долзарб муаммолар» республика миқёсидаги ёш олимлар учун ташкил этилаётган онлайн илмий ва илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Тошкент, 2021йил 20-21 декабр. – Б. 29-30.